

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ БАНКОВ В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО РЫНКА

Қодирова Гўзал

Тошкенбоевна Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

MBA General 2-курс тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, барча соҳаларда кескин ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, кўрсатилаётган банк хизматлари спекторларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда инвестицион муҳит барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда асосий мезонлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ижобий ҳал қилишда давлат қисқа, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқади ва банклар роли ортиб боради. Банкларнинг давлат инвестицион дастурларига жалб қилиш усуллари шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятларини ўрганиш мамлакатимизнинг банк инвестициялари йўналишини ривожига имкон яратади. Шунга кўра, тадқиқот мақсади банк инвестицияларини назарий ва ташкилий асосларини ўрганиш асосида давлат инвестиция дастурларида иштирокини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Калит сўзлар: инвестиция, тижорат банклари, депозит, макроиқтисодий барқарорлик, худудий инфратузилма.

КИРИШ

Мамлакатимизда охириги йиллар мобайнида иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш ишлари турли иқтисодий воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим омиллардан бўлиб инвестициялар ҳисобланади. Зеро, инвестиция жалб қилиниши учун молия бозорида қулай муҳитни шакллантириш, молия ва банк секторини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик ва инновацион технологияларни ривожлантириш зарур.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан бугунги кунда халқ ўртасида, барча қорхоналар ва ташкилотлар, халқаро жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинаётган Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да(2017) белгилаб берилган устувор йўналишлардан бири сифатида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш олинган экан, айнан мана шу устувор йўналишни бажарилишида тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш ва яна барқарорлигини ошириш муҳим масалалардандир.



В.М.Усоскин ўзининг “Замонавий тижорат банки операциялари ва бошқариш” номли монографиясида тижорат банклари кредитлаш амалиётининг асосий жиҳатларини тадқиқ қилган. У тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, бир қатор илмий хулосаларни шакллантирган. Ана шундай муҳим хулосалардан бири мижозни банк томонидан кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш орқали кредит рисқи даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкинлигидир.

Классик назариянинг намоёндаси бўлган Смит (1993) ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот» асарида “Инсонларнинг жамғаришга бўлган интилиши жамиятда капитални ортишини таъминлайди, жамғарма эса - инвестициялашнинг зарурий манбасидир” - дея таъкидлайди. Шунингдек, миллий бойликни ўсишида капитал миқдорини асосий омил сифатида эътироф этади. Бизнинг назаримизда инвестиция жараёнларининг янада ривожланишига нафақат жамғармаларни шаклланиш омили, балки жамғарма маблағларининг манбалари, уларни амал қилиш муддатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга жамғармаларни шаклланиши бевосита муомаладаги пул массасининг миқдорига боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Профессор Уоскиннинг (1994) фикрига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг тақиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегарасининг белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади.

Миллий адабиётларда реал сектор иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банкларнинг ўрни ва роли ҳамда инвестицион кредитлаш амалиёти ҳақида С.С.Гулямов, А.В.Вахабов, Д.Г.Ғозибеков, Н.Х.Ҳайдаров, Ш.Г.Юлдашев каби олимларнинг ишларида ўрганилган.

Омонов (2006) нинг таъкидлашича депозит сиёсатини такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- Тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли депозит маблағлар салмоғи ортиб бориш тенденциясининг даражасини таъминлаш;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг банкларга муддатли ва жамғарма депозитларига маблағларини қўйиш манфаатдорлиги ҳамда кафолатини таъминлаш;
- Мижозларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича банк сирини таъминлашга тўлиқ эришиш;
- Тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига муддатли омонатларни жалб этишни кўпайтириш ва уларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Обломуродов (2007) таъкидлашича, банк секторида жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми мижозларнинг депозитлари ва хорижий банкларнинг кредит линияларига тўланадиган ссудаларини ташкил қилади. Бир вақтнинг ўзида банкларда аҳоли депозитларини ўсишини ҳам белгилаб беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Инвестициялар мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва уни ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш, иқтисодий ўсишни фаоллаштириш, маҳсулот ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялар ЯИМ ўсиши, корхоналарнинг ривожланиши ва мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтиришга олиб келади.



Худуд иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш масаласини ечиш учун худудий инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш зарур. Худудий инвестицион сиёсат эса худудий маъмурият органлари фаолияти бўлиб, у инвестициялар манбаини излаб топиш ва уларни самарали фойдаланиладиган соҳаларга йўналтиришга қаратилган бўлиши керак. Ана шу йўналишларни таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Республикамизда стратегик контекстда макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда мувозанатли худудий ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ассиметрик тафовутнинг мавжудлиги, мавжуд иқтисодий-ресурс салоҳиятдан унумли фойдаланиш ва нисбатан паст даражада ривожланган худудларда иқтисодий ривожлантиришни жонлантиришга қаратилган фаол худудий инвестицион сиёсатни амалга оширишни тақозо қилади. Бунда худудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида яқин истиқболда “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш”¹ вазифалар амалга ошириш белгилаб олинган. 2019 йилда мамлакатимизда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилиши, натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу вазифалар бўйича худудий иқтисодий сиёсатни изчил амалга ошириш, истиқболда худудий инвестицион сиёсатни стратегик йўналишларини белгилаб олишнинг фундаментал асосларини ташкил қилади.

Асосий капиталга киритиладиган инвестицияларни худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар кўламининг ўсиши юқори технологик тараққиёт ва интенсификация иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯҲМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир этади;

иккинчидан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни амалга ошириш пировардида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони яратилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси худудларида инвестицион фаолликни ошириш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

1. Худудий инфратузилма ва айниқса, инвестицион инфратузилмани яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида, вилоятлар кесимида йўл транспорт-коммуникация тизимини модернизациялаш, коммунал хизматлар тизимида чуқур ислохотлар олиб бориш, юқори тезликда ишловчи интернет тизимларини жорий этиш лозим.

2. Ривожланиш даражаси суст худудлар учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш лозим. Бунда айниқса, инвестиция ресурслари етишмаётган туманларда салоҳиятли банк филиаллари ва минибанкларни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.



этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтириш, молиявий инфратузилмани ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳудудда инвестиция ва суғурта фондлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, банк гуруҳлари ва холдинглари, ўзаро ёрдам кассалари каби молиявий институтларнинг замонавий шакллари ривожлантириш иқтисодиётда капитал ҳаракатини тезлаштиради.

3. Жаҳонда ва республикада вилоятларнинг ижобий қиёфасини шакллантириш ва инвестицион жозибадорлигини намойиш этиш мақсадида, вилоятлар туманларида бўш турган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш объектлари, мавжуд табиий захиралар, қишлоқ хўжалиги ва хомашё ресурслари ҳақида кенг ва батафсил маълумотларни ўз ичига олган тизимлаштирилган вилоят реестрини тузиш ва уни интернет орқали чет эллик инвесторлар эътиборига ҳавола этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулқосимов Х. П. (2007) ва бошқалар. –Т Ижтимоий–иқтисодий жараёнларни бошқариш. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи – Б.240.
2. Аганбегян А. Г. (2014) Инвестиционный кредит – главное звено преодоления спада в социально-экономическом развитии России, журнал «Деньги и кредит», издательство Финансы и статистика (Москва), № 5,.
3. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. (2010) Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-а. Экономика. № 3(11). С.84-92.
4. Аньшин В.М. (2000) «Инвестиционный анализ» Москва, 53-бет
5. Бланк И.А. (2012) “Инвестиционный менеджмент”. – Киев: МП “ИТЕМ”ЛТД.
6. Блюм Е.А. (2013) Обзор методики оценки инвестиционного потенциала региона // Молодой учёный. –№7. С. 137-141.
7. Ғозибеков Д.Ғ. (2003) Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия» нашриёти. 332 бет, 9-28, 67-68, 68-69бетлар.
8. Дыбов А.М. (1995) Экономическое обоснование инвестиций. Ижевск. с.12.
9. Жўраев А.С. ва бошқалар (2003) Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқувқўлланма / Т.: Шарқ. й. 18 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон,. - 264-б.
11. Каримов Н.Г (2007) Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. Иқт.фан. доктори илмий даражасини олиш учун. Автореферат. Тошкент. 40-бет.
12. Каримов Н.Г. (2007) Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎЗР Банк-молия академияси . – Т. 235 б.

